

МАШҲУР ТАРИХЧИ-МЕДИЕВИСТ РОЗИЯ ГАЛИЕВНА МУКМИНОВА ҲАҚИДА

Фарҳод Норқобилов

ЎзМУ тарих факультети II курс магистранти

Таниқли тарихчи олима Мукминова Розия Галиевна 1922 йилнинг 31 декабрида таваллуд топди. Унинг отаси – Мукминов Гали Миргалиевич, хизматчи. Онаси – Мукминова Хадича Шигабиддиновна, уй бекаси эди¹. Р.Г. Мукминова 1939 йили ўрта таълим мактабини аъло баҳоларга тугатганидан сўнг Ўрта Осиё Давлат Университетининг тарих факультетига қабул қилинди. Ушбу олий даргоҳда ёш талаба тарихнинг узоқ ва яқин даврлари, мураккаб ва жозибали қирралари билан илк бор муфассал танишади². Университетда таҳсил олиш жараёнида у Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентга эвакуация қилинган С.В. Бахрушин, В.И. Беляев, Б.Д. Греков, М.В. Нечкина, И.П. Петрушевский, Е.М. Пещерова, А.Ю. Якубовский ҳамда М.С. Андреев, А.А. Семенов каби кўплаб машҳур олимларнинг мазмундор маърузаларини тинглаш бахтига сазовор бўлади. Талабалик йилларида барча фанларни аълога ўзлаштириб борган Р.Г. Мукминова 1944 йилда ушбу факультетни имтиёзли диплом билан тамомлайди ва у 1944 йили Ўзбекистон Фанлар Академиясининг янги ташкил этилган Тарих институтига аспирантурага қабул қилинди³.

Мазкур даврда Ўрта Осиё тарихини янада чуқур ва атрофлича ўрганиш тарих фанининг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб турар эди. Бу эса ўз навбатида Ўрта Осиё тарихи бўйича етук мутахассис кадрлар тайёрлашни тақозо этди. Ана шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Р.Г. Мукминова – шарқшунослик илмининг йирик маркази – Ленинградга

¹ <http://ru.rodovid.org/wk/%D0%97%D0%B0%D0%BF%D0%B8%D1%81%D1%8C:820852>

² Каримов Э. Слово об учителе // History of Central Asia in Modern Medieval Studies (In memoriam of Professor Roziya Mukminova). – Ташкент: Yangi nasr, 2013. – С. 9.

³ Мукминова Розия Галиевна // Узбекистан в средние века: история и культура. Посвящается 80-летию доктора исторических наук, профессора Розии Галиевны Мукминовой: Доклады Международной конференции. – Ташкент, 2003. – С. 9.

жўнатилди. Бу ерда у ўрта аср жамияти тарихининг йирик билимдони И.П. Петрушевский раҳбарлиги остида илмий тадқиқот ишларини олиб боради.

Ёш тадқиқотчи 1949 й. СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида (Ленинград) «Мовароуннаҳр учун Темурийлар ва Шайбонийлар ўртасидаги кураш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Расмий оппонентлар – А.Ю. Якубовский ва Н.Д. Миклухо-Маклайлар олиманинг тадқиқотини юқори баҳоладилар⁴.

Илмий фаолиятини Ўзбекистон ФА Тарих институтида кичик илмий ходимликдан бошлаган олима, кейинчалик шу илм даргоҳида катта илмий ходим, бўлим бошлиғи, илмий-тадқиқот гуруҳининг бошлиғи бўлиб ишлади. Мазкур йилларда олима томонидан ўз илмий тавсифини топган масалалардан бири – аграр муносабатлар тарихидир. 1966 й. олиманинг «XVI аср Ўзбекистон аграр муносабатлар тарихидан, «Вақф-нома» материаллари асосида»⁵ номли монографияси босмадан чиқди. Унда тадқиқотчи вақф институтининг характерли хусусиятлари, вақф хўжалигининг аста-секин, айниқса, Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида, ўсиб бориши, ўрганилаётган даврда катта мавқега эга бўлган шахслар томонидан вақф ерларининг шариатга ҳилоф равишда қўлга киритилиши ҳолларини ҳужжатли далиллар асосида исботлаб бера олишга муваффақ бўлган.

Кейинчалик олима ўрта аср жамиятининг катта қатлами бўлган ҳунармандларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид конкрет материалларни тўплашга муваффақ бўлди ҳамда уларни танқидий ўрганиш асосида 1972 й. «Самарқанд ва Бухоронинг XVI аср ҳунармандчилиги» мавзусида докторлик диссертациясини ёзди.

Р.Г. Мукминованинг илмий фаолиятида катта ўрин тутган муаммолардан бири – Ўзбекистон шаҳарлари тарихидир. Ёзма манбаларни, шунингдек, археологик ва этнографик материалларни, музей экспонатларини тадқиқ этиш асосида у Ўрта Осиёнинг машҳур савдо-иқтисодий ва маданий

⁴ Абдурасулов У.А. Розия Галиевна Мукминова: образ ученого в личных воспоминаниях // История и истории Узбекистана в XX веке. – Ташкент: Navro'z, 2014. – С. 239.

⁵ Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. По материалам “Вақф-наме”. – Т., 1966. - 354 с.

марказлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби шаҳарлар тарихини ўрганиш ишига катта ҳисса қўшди.

Тадқиқотчи илмий жамоатчилик илиқ кутиб олган «Самарқанд тарихи» (1969 й.), «Бухоро тарихи» (1976 й.), «Тошкент тарихи» (1988 й.) каби асарларнинг асосий муаллифлари сафидан ўрин олди. Уларда олима томонидан ёзилган қисмларда ўрта аср Ўзбекистон шаҳарларидаги иқтисод ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт каби асосий масалалар ёритиб берилди. 1984 йилда олиманинг «Тўрт аср олдинги Тошкент» асарининг муаллифи ҳамдир.

1976 йилда тарихчи олиманинг ўрта аср жамияти ҳаётида катта ўрин тутган хунармандчилик билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этишга қаратилган «XVI аср Самарқанд ва Бухоронинг хунармандчилиги тарихидан лавҳалар»⁶ асари илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди. Бу асарга илмий жамоатчилик юқори баҳо берди, жумладан, машҳур шарқшунос олима К.З. Ашрафян: «Бу китоб ўрта аср шаҳари ҳақидаги бизнинг тасаввурларимизни бойитибгина қолмай, балки Шарқ мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий тарихи бўйича келгуси конкрет тадқиқотлар йўлларини кўрсатиб беради», - деб таъкидлаб ўтади⁷. Олиманинг ўрта аср шаҳарлари тарихини ўрганишга доир изланишларининг давоми натижасида 1985 й. «XV-XVI аср Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг дифференциацияси»⁸ асари босмадан чиқди.

Олима «Ўзбекистон тарихи» кўп томликларининг муаллифларидан бири ҳамдир. 1955 й. босмадан чиққан «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг (1 жилд, 1 китоб) асосий муаллифлари фундаментал асарни нашрга тайёрлашда бошқа олимлар қаторида Р.Г. Мукминованинг ҳам тадқиқотлари материалларидан фойдаландилар. 1967 й. нашрдан чиққан тўрт жилдлик «Ўзбекистон ССР тарихи» нинг дастлабки жилди муаллифлари қаторида Р.Г. Мукминова ҳам бор эди. Давр талаблари ва тарих соҳасида қўлга киритилган

⁶ Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. – Т., 1976. – 234 с.

⁷ Ашрафян К.З. Рецензия на кн. Мукминова Р.Г.: «Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в.» Ташкент, Фан, 1976 // ОНУ, 1987, № 1, с. 62.

⁸ Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана в XV-XVI вв. – Т., 1985. - 137 с.

янгиликлар Ўзбекистон халқларининг муфассал тарихини янгитдан ёзишни кун тартибига қўйди. 1987 йилдан бошлаб бу борада авж олдириб юборилган ишларда Р.Г. Мукминова ҳам фаол иштирок этди. 1993 йили босмадан чиққан «Ўзбекистон тарихи» (III жилд)нинг асосий муаллифларидан бири ва унга масъул муҳаррири бўлди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг тарих фанида туб ўзгаришлар юз берди. Олима мазкур жараёнда фаол иштирок этиб, тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини тадқиқ этишга ўз ҳиссасини қўшди. Мазкур даврда Р.Г. Мукминова «Темур ва Улуғбек тарихи» (1996 й.), «Амир Темур» (2000 й.), «Амир Темур жаҳон тарихида» (1996 й. рус ва инглиз тилларида ҳам), «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари» (2002 й.), «Очерки истории государственности Узбекистана» (2002 й.), «Очерки истории государственности Узбекистана» (2002 й.), каби фундаментал тадқиқотларни яратишда қатнашди. 2002 йилда олиманинг М.И. Филанович билан биргаликдаги «Ташкент на перекрестке истории (Очерки древней к среневековой истории города)» рисоласи нашр этилди.

Ўзининг салмоқли илмий тадқиқотлари билан Р.Г. Мукминова республика ташқарисида ҳам илмий жамоатчиликнинг эътиборига сазовор бўлди, унинг илмий асарлари чет эллик олимларга ҳам маълумдир. У Канада (Торонто, 1989 й.), Германия (Бамберг, 1991 й.), Франция (Страсбург, 1987 й.), Туркия (Анкара, 1997 й.), АҚШ (Лос-Анжелес-Калифорния, 1998 й.; Медисон-Висконсин, 1998 й.), Австрия (Вена, 2000 й.), Эрон (Техрон, 2001 й.), АҚШ (Гарвард университети, 2003 й.) да ўтказилган халқаро конференциялар иштирокчиси бўлган⁹.

Тарихчи Р.Г. Мукминова раҳбарлиги остида кўплаб шогирдлар тайёрланди. Улар орасида чет эллик стажёрлар ҳам бор эди.

Р.Г. Мукминова республикада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига ҳам муҳим ҳисса қўшди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти ва Шарқшунослик институтлари қошидаги докторлик

⁹ Ўзбекистон тарихчилари. I жилд (биобиблиографик маълумотнома). Тошкент: «Fan va tehnologiya», 2012. 144-147-бет.

диссертациялари ҳимоясига ихтисослашган Кенгашларнинг нуфузли аъзоси сифатида улар ишида фаол иштирок этди. Олима 2007 йилда вафот этган. Аммо унинг ёрқин хотираси касбдошлари ва шогирдлари қалбида мангу барҳаётдир. Р.Г. Мукминова илмий меросининг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни бекиёсдир.